

Илмий лойиҳалар маълумотларини бошқариш

Илмий лойиҳани қўшиш

Илмий лойиҳани қўшиш тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Ilmiy loyihalar** менюси орқали амалга оширилади.




1-расм. Илмий лойиҳани қўшиш

Илмий лойиҳани қўшиш учун **+Loyiha qo'shish** тугмасини танланг ва лойиҳа тўғрисидаги маълумотларни қуйидагича киритинг:

- **Nomi** майдонига илмий лойиҳа номини киритинг;
- **Loyiha raqami** майдонига лойиҳа рақамини киритинг;
- **Kafedra / Bo'lim** майдонидан кафедрани танланг;
- **Loyiha turi** майдонидан лойиҳа турини танланг;
- **Toifa** майдонидан лойиҳа тоифасини танланг;
- **Valyuta** майдонидан лойиҳанинг молиявий валюта турини танланг;
- **Kontrakt raqami** майдонига шартнома рақамини киритинг;
- **Kontrakt sanasi** майдонига шартнома санасини киритинг;
- **Boshlanish sanasi** майдонидан лойиҳанинг бошланиш санасини танланг;
- **Tugash sanasi** майдонидан лойиҳанинг тугаш санасини танланг.

Барча маълумотлар шакллантирилгандан сўнг **Saqlash** тугмасини танланг. Натижада илмий лойиҳа қўшилади (2-расм.)



2-расм. Илмий лойиҳани қўшиш

Илмий лойиҳалар рўйхатини кўриш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Ilmiy loyihalar** менюсини танланг (3-расм).

#	Nomi	Loyiha raqami	Kafedra / Bo'lim	Loyiha turi	Toifa	Boshlanish sanasi	Tugash sanasi	Faol
1	Signallarni va tasvirlarni qayta ishlash masalalarida parallel hisoblashni nazariyasi, metodlari va vositalarini rivojlantirish	BB-04-011	TBTA va DT	Fundamental (umumiy)	Mahalliy	02-01-2017	31-12-2021	🟢
2	Ko'zi oqiz shaxslar uchun kompyuter texnikasidan foydalanish, matnlarni o'qish va yozish imkonini beruvchi o'zbek tiliga asoslangan gapiruvchi dasturiy ta'minot va ovoz sintezatorini ishlab chiqish	BB-ATEX-2018-251	TBTA va DT	Amaliy (umumiy)	Mahalliy	02-01-2018	31-12-2021	🟢
3	Temuriylar davrida yaratilgan «Xamsa»larning komparativistik tadqiqi.	123	Multimedia texnologiyalari	Fundamental (yosh olimlar)	Mahalliy	14-01-2021	22-04-2022	🟢
4	Organik bo'yoqlarni biologik moddalar va metallarning nanozarachalari bilan komplekslarining fotonikasi.	BDK-342	Multimedia texnologiyalari	Xo'jalik shartnomasi	Mahalliy	22-01-2021	22-07-2022	🟢
5	Dielektrik va metallarda aralashma va radiasiya-induksiyalashgan nuqsonlarning akustikaviy so'nish mexanizmlarga va akustik va optik aktivlik samaradorligiga ta'siri.	BDK-33698	Multimedia texnologiyalari	Innovatsion loyiha	Xorijiy	19-01-2021	24-12-2022	🟢
6	Kimyoviy sensorlarning yangi avlodi uchun gaz sezgir materiallar sintezi nazariy asoslarini tadqiq etish	1233	Multimedia texnologiyalari	Amaliy (umumiy)	Xorijiy	28-01-2021	03-07-2021	🟢

3-расм. Илмий лойиҳалар рўйхати

Yuqorida kўrsatilgan ketma-ketlik asosida barча илмий лойиҳаларни киритиш мумкин.

Илмий лойиҳани таҳрирлаш

Илмий лойиҳани таҳрирлаш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Ilmiy loyihalar** менюсини танлаш орқали илмий лойиҳалар рўйхатига ўтинг (3-расм). Илмий лойиҳалар рўйхатидан илмий лойиҳани танлаш орқали илмий лойиҳа тўғрисидаги маълумотни кўриш ойнасига ўтинг (4-расм).

#	Hisobot yili	Budjet	Ijrochilar soni	Faol
Xech narsa topilmadi				

#	Ijrochi turi	Ijrochi toifasi	Ijrochi F.I.Sh.	Boshlanish sanasi	Tugash sanasi	Faol
Xech narsa topilmadi						

4-расм. Илмий лойиҳа тўғрисидаги маълумот

Ozgartirish тугмасини танлаш орқали илмий лойиҳаларни таҳрирлаш ойнасига ўтинг (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг.


Илмий лойиҳани ўчириш

Илмий лойиҳани ўчириш учун илмий лойиҳалар рўйхатидан илмий лойиҳани танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмасини босинг.

Лойиҳанинг ижрочилари ва молиявий маълумотларини бошқариш

Лойиҳанинг ижрочилари ва молиявий маълумотларини киритиш

Лойиҳанинг ижрочилари ва молиявий маълумотларини шакллантириш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Ilmiy loyihalar** menyusini танлаш орқали илмий лойиҳалар рўйхатига ўтинг (3-расм). Илмий лойиҳалар рўйхатидан илмий лойиҳани танланг, натижада қуйидагича ойна пайдо бўлади (5-расм).




5-расм. Лойиҳа маълумотларини киритиш ойнаси

Лойиҳанинг молиявий маълумотларини қўшиш учун ойнанинг ўнг томонида жойлашган **Moliyaviy ma'lumotlar** қисмидан **+Loyihani to'ldirish** тугмасини танланг. Натижада лойиҳанинг молиявий маълумотларини тўлдириш ойнаси пайдо бўлади (6-расм).

Молиявий маълумотларни тўлдириш ойнасида:

- **Hisobot yili** майдонидан йилни танланг;
- **Budjet** майдонига лойиҳа бюджетини киритинг;
- **Ijrochilar soni** майдонига ижрочилар сонини киритинг.

Saqlash тугмасини танлаш орқали маълумотларни сақланг (6-расм).



6-расм. Лойиҳанинг молиявий маълумотини киритиш.

Юқорида кўрсатилган кетма-кетлик асосида лойиҳаларнинг молиявий маълумотларини киритинг.

Лойиҳанинг молиявий маълумотини тахрирлаш


Лойиҳанинг молиявий маълумотини тахрирлаш учун 6-расмда келтирилган лойиҳанинг молиявий маълумотини тахрирлаш ойнасидан бирор бир тахрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг.

Лойиҳанинг молиявий маълумотни ўчириш

Лойиҳанинг молиявий маълумотини ўчириш учун 6-расмда келтирилган лойиҳанинг молиявий маълумотини таҳрирлаш ойнасидан **О'chirish** тумасини танланг.

Лойиҳа ижрочиларини киритиш

Лойиҳа ижрочиларини киритиш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Ilmiy loyihalar** menyusini танлаш орқали илмий лойиҳалар рўйхатига ўтинг (3-расм). Илмий лойиҳалар рўйхатидан илмий лойиҳани танлаш орқали илмий лойиҳа тўғрисидаги маълумотни кўриш ойнасига ўтинг (4-расм). Лойиҳа тўғрисидаги маълумот ойнасидан **+Ijrochi qo'shish** тугмасини танланг. Натижада лойиҳа ижрочиларини қўшиш ойнаси пайдо бўлади (7-расм).




7-расм. Лойиҳа ижрочиларини қўшиш ойнаси

Лойиҳа ижрочиларини шакллантиришда қуйидаги маълумотларни киритинг:

- **Ijrochi turi:** ижрочи турини танланг масалан;
- **Ijrochi F.I.SH:** ижрочи Ф.И.Шни танланг масалан;
- **Ijrochi toifasi:** ижрочи тоифасини танланг;
- **boshlanish sanasi:** бошланиш санасини танланг масалан;
- **Tugash sanasi:** тугаш санаси танланг масалан;

Saqlash тугмасини танланг. Натижада экранда қуйидагича ойна пайдо бўлади (8-расм).



8-расм. Лойиҳа ижрочиларини киритиш ойнаси

Ижрочиларни киритишда ижрочилар тоифаси муҳим рол ўйнайди. Агар ижрочи иш фаолиятини жорий ОТМда олиб борса **Ijrochi turi** майдонидан ўқитувчи, тадқиқотчи ёки талаба каби тури танлади. Сўнгра **ijrochining F.I.Sh** майдони актив ҳолатга келади ва рўйхатдан зарур ижрочи танланади. Агар ижрочи ОТМ миқёсида эмас, бошқа жойдан бўлса **Ijrochi turi** майдонидан

Boshqa деган турини танлаш керак. Шунда **ijrochining F.I.Sh** майдони блок ҳолатида бўлади, **Tashqi ijrochi** майдони эса актив ҳолатда бўлади. Ташқи ижрочининг Ф.И.Ш. **Tashqi ijrochi** майдонига киритилади.

Лойиҳа ҳақида тўлиқ маълумотларни кўриш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Ilmiy loyihalar** менюсини танланг (3-расм). Лойиҳалар рўйхатидан лойиҳани танлаш орқали лойиҳа тўғрисидаги маълумотни кўриш ойнасига ўтинг (9-расм).

The screenshot displays the 'Ilmiy loyihalar' (Scientific Projects) section of the HEMIS OTM system. The interface includes a sidebar with navigation options like 'Ilmiy faoliyat', 'Ilmiy loyihalar', and 'Xabarlar'. The main content area shows details for a project titled 'Тиббниёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг комплекс ахборот тизимларини ишлаб чиқиш'. Below the title, various attributes are listed in a table format, including 'Loyiha raqami', 'Kafedra / Bo'lim', 'Loyiha turi', 'Toifa', 'Valyuta', 'Kontrakt raqami', and 'Kontrakt sanasi'. To the right, there are two summary tables: 'Moliyaviy ma'lumotlar' (Financial Information) and 'Ijrochilar ma'lumotlari' (Contractors Information). The financial table lists two entries for the years 2020 and 2021, both with a budget of 10,000,000.0000 and 5 contractors. The contractors table lists two entries: 'Tadqiqotchi Loyiha rahbari' (Researcher Project Leader) and 'Tadqiqotchi Loyiha ijrochisi' (Researcher Project Implementer), both with start and end dates of 01-01-2021 and 31-12-2022 respectively.

9-расм. Лойиҳа тўғрисида маълумот

Юқорида кўрсатилган кетма-кетлик асосида лойиҳаларни киритиш ва лойиҳанинг молиявий маълумотлари ҳамда ижрочилар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириб олиш мумкин.

Лойиҳа ижрочиларини таҳрирлаш

Лойиҳа ижрочиларини таҳрирлаш учун 8-расмда келтирилган лойиҳа ижрочиларини таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тумасини танланг.

Лойиҳа ижрочиларини ўчириш

Лойиҳа ижрочиларини ўчириш учун 8-расмда келтирилган лойиҳанинг молиявий маълумотни таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тумасини танланг.